

## «ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ»НИНГ ТАСНИФ ТАРИХИГА ДОИР

Алишер Навоийнинг лирик куллиёти—«Хазойин ул-маоний»нинг тузилган йилини кўрсатишда ҳозирга қадар ҳар хилликлар ва чалкаш фикрлар мавжуд. Аксарият ўринларда уни Навоий 1492—1493 йилларда ёки шу йиллар орасида[1] тузган дейилса, баъзи ўринларда бу лирик куллиётнинг тузилган йили санаси мутлақо бошқача кўрсатилади. Чунончи, Ҳ.С.Сулаймоновнинг «Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан» номли илмий мақоласига илова тариқасида тузилган «Алишер Навоий қўлёзма куллиётларининг қиёсий жадвали»да «Хазойин ул-маоний»нинг яратилган йили ҳижрий 896, милодий 1490—1491 йиллар, деб кўрсатилган[2]. В. Зоҳидов, Ҳоким Ҳомидийлар эса яна бошқачароқ санани кўрсатадилар. В. Зоҳидов «Навоийнинг яна бир ҳаётномаси» номли мақоласида: «Навоий Астрободдаги вақтида жуда қизгин ва унумли ижодий иш билан ҳам машғул бўлади ва натижада аввалги яратилган шеърларини кўшиб, тўрт девон — «Хазойин ул-маоний»ни яратади»[3] деб ёзади. Демак, олимнинг фикрича, «Хазойин»нинг тузилиши тарихи 1487—1488 йилларга тўғри келади. Адабиётшунос Ҳоким Ҳомидийнинг ҳам хулосаси шунга яқинроқ, яъни унинг ёзишчи: 1487 йилда Навоий Астрободга сургун қилинади. У бу ерда ўз шеърларини йиғиб тўрт девони — «Хазойин ул-маоний»ни тузишга киришади[4].

Марҳум навоийшунос Олим Шарафуддинов ҳам: «Алишер «Хазойин ул-маоний» ёки «Чор девон» номи билан шуҳрат қозонган мукамал «Девон»ини Астрободдалиқ вақтида тузди», — деган фикрни баён этган эди[5].

Шу олим томонидан 1941 йилда тузилган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»да ҳам лирик куллиётни Навоий Астрободда тузган, деб кўрсатилади[6].

Н. М. Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида куллиётнинг тузилган даври 1491 —1498 йиллар ораси деб кўрсатилган[7]. Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 1-томида ҳам куллиётни 1491—1498 йиллар орасида тузилган, дейилса[8], 12-томидаги «Хазойин ул-маоний»га бағишланган ўринда[9]: «Алишер Навоий асари 1491—1496 йилларда тартиб берилган», деб қайд этилган.

«Хазойин ул-маоний»нинг тузилган йили деб 1492—1498 йиллар санасини кўрсатувчи авторлар фикри хусусида, аввало бир нарсани алоҳида қайд этиш жоиз кўринади. Уларнинг баъзилари куллиётни Навоий 1492—1498 йилларда тузди, деб ёзса, баъзилари ана шу йиллар орасида тузди, деган фикрни айтадилар, яна бирлари эса 1492-1498 йиллар ўртасида Навоий «Хазойин ул-маоний» китобини тузди, деб ёзадилар. Бу айтилганлардан эса турлича хулосага келиш мумкин, яъни куллиёт 1492—1498 йилларда тузилган дейилишига кўра, уни тузиш олти йил давом этган бўлиб чиқади; шу йиллар орасида тузилган дейилганда девон ана шу олти йилнинг бирида тузилган бўлади, лекин у қайси йил эканлиги номаълум. «Хазойин»ни шоир 1492—1498 йиллар ўртасида тузди дейилишига келсак, бунда 1495 йил тушунилади ва демакки, 1492—1498 йиллар ўртасида дейиш ўрнига 1495 йил дейилаверса бўлар эди.

Демак, Навоий 1491 —1498 йиллар мобайнида жами тўрт девондан иборат «Хазойин ул-маоний» лирик куллиётини тузди, деювчиларнинг фикрига кўра, бу иш 6—7 йил давом этган, деган хулоса келиб чиқади. Бу эса, бизнингча, ҳақиқатдан йироқроқ кўринади. Негаки, жуда қисқа бир муддатда, икки йилдан зиёдроқ вақт ичида 51 минг мисрадан иборат беш дoston—«Хамса» асарини яратган Навоий тайёр шеърлардан тўрт девон тузишга 6—7 йил сарфламаган бўлса керак. Таниқли навоийшуносларимиз тўғри қайд этганларидек, «Навоийнинг юксак шахсий фазилатларидан бири меҳнатсеварлиги, доим ўз устида, ижодий режаларини амалга ошириш устида тинмай ишлаши эди. У бирон асарини узоқ муддат давомида ёзмаган. Қайси асарини ёзишга бошласа, тез ёзиб тугаллаган»[10].

Навоий лирик куллиётини 1491 ёки 1492—1498 йиллар орасида яратган десак, ана шу 6—7 йилнинг қайси бирида бу иш амалга ошириб бўлинган, деган савол кўндаланг бўлади.

«Хазойин» 1491/1492-1498/1499 йиллар орасида тузилган, деган фикрни биринчи бўлиб С. Волин билдирган эди. Куллиётнинг тузилиши даври чегарасини 1491—1492 йилдан белгилашда у Навоийнинг «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асаридаги ёзилганларга асосланади. Бу асарда ёзилганлардан маълумки, Жомий ўзининг қасида ҳамда лирик шеърларидан иборат учта девон тузади ва Навоийнинг таклифига биноан уларнинг ҳар бирини алоҳида номлайди. Шунинг билан бирга унинг ўзига ҳам туркий назмлари ниҳоятда кўп йиғилганлигини таъкидлаб, шу шеърлардан иборат алоҳида номлар билан аталувчи девонлар тузишни маслаҳат берган. Шу воқеадан кейин кўп вақт ўтмай (1492 йил 8 ноябр) Жомий шамоллаш туфайли вафот этади.

Мазкур ҳикоя сўнгида Навоий устозининг амри итоатини вожиб билгани ҳолда бу ишни амалга оширганини ёзади.

С. Л. Волин «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асаридан келиб чиқиб, Навоий бу тўрт девонни ҳали Жомий ҳаётлик пайтида, яъни 897 (м. 1491 — 1492) йилда тузган, дея хулоса чиқаради[11]. Бироқ, бу ишни қисақа вақт ичида амалга ошириб бўлмаслигини ўйлаб, яна иккиланади. Шундан кейин у Навоий девон тузишни Жомий ҳаётлик чоғида бошлаган ва ўшандаёқ тузилажак тўрт девонга номлар топиб қўйган бўлган, ишни эса бир неча йилдан кейин тугатган, деган қарорга келади ва 904/1498—1499 йилда ёзиб тугалланган «Лисон ут-тайр» асарида тўрт девон тилга олиншига асосланиб, лирик куллиёт тузилиш даврининг иккинчи чегарасини ҳижрий 904, милодий 1498—1499 йил қилиб белгилайди[12].

С. Л. Волин яна шу «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарига суяниб, ғоятда ажабланарли бир хулоса чиқаради. У асарда Навоий номларини атаган 4 девонини шоир лирикасининг “янги” дебочали (у «Хазойин ул-маоний» учун ёзилган “Дебоча”ни «Бадойи ул-бидоя» “Дебоча”сидан фарқлаш учун шундай атайди) туртинчи редакцияси, «Хазойин ул-маоний»ни эса ана шу тўрт девондан танлаб олинган шеърлардан иборат бешинчи редакциясидир, деган қарорга келади.

Шубҳасиз, Навоийнинг «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да тўрт девон номидан кейин лирик куллиётнинг умумий номи — «Хазойин ул-маоний»ни келтирмаганлиги Волинда ва шунингдек Е. Э. Бертельсда ҳам чалкаш фикр пайдо булишига сабаб бўлган.

Навоийнинг “Хамсат”да келтирган ҳикоясида тўрт девоннинг номини атагани ҳолда лирик куллиётга «Хазойин ул-маоний» деб ном берганини ёзмаганлиги тасодифий эмас эди. Унда ёзилганлардан англашилишича, Жомий Навоийга ҳам ўзи каби шеърларидан девонлар тузиб, уларнинг ҳар бирини махсус номлар билан аташни таклиф қилган, унинг сўзи билан айтганда, амр этган. Навоийнинг ҳикоядан мақсади айнан устози амр этгандек, тўрт девонига тўрт хил ном берганлигини айтиш эди, холос. Умумий ном бериш ҳақида устози билан ўзи ўртасида ҳеч қанақа гап бўлган эмас. Умумий ном бериш ғояси Навоийда кейин пайдо бўлган. Куллиёт “Дебочаси”да ёзилганлар шундан далолат беради. Унда Навоий дўсти Ҳусайн Бойқаронинг таъбидаги «маъни гавҳарлари»дан ҳосил бўлгани учун (бу мазмундаги жумлани ишлатишда Навоий ёзган шеърларини Ҳусайн Бойқаро таҳрир назоратидан ўтказиб турганлигини назарда тутуди) девонлар мажмуасига «Хазойин ул-маоний» номини берганини айтади ва қуйидаги рубоий билан бу айтганларини янада қатъийлаштиради:

Бу баҳрки, ганжлар макони дедилар,

Ҳар қатраси оби зиндағони дедилар.

Шоҳ махзани таъбидин нишони дедилар

Ким, они «Хазойин ул-маоний» дедилар.

Туркиялик адабиётшунос олим Огаҳ Сирри Левенд 1965 йилда ўзининг Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги монографиясини[13] эълон қилганидан кейин «Хазойин ул-маоний»нинг тузилиш даври чегарасини яна икки йилга қисқартириш имкони туғилди.

Олимнинг ёзишича, Туркиянинг Реван кутубхонасида Алишер Навоийнинг ҳиж. 901—902, м. 1495, 1496, 1497 йилларда Хиротда кўчирилган мукамал куллиёти кўлёмаси сақланади. Ҳ.С.Сулаймонов Навоийнинг жаҳон кутубхоналаридаги мавжуд кўлёмма куллиётларини қиёсий ўрганиб чиқиб, 808-инвентарь рақами билан сақланаётган бу куллиётнинг мусаннифи шоирнинг ўзи эканини ишонарли далиллар асосида аниқлаган эди[14].

Бу китобда фақат икки асарнинг сўнгидагина уларнинг кўчириб тугалланган вақти санаси кўрсатилган:—«Садди Искандарий» достонининг охирида 901, «Ғаройиб ус-сирар»нинг охирида эса 902 тарихи берилган. Демак, ҳиж. 902, м. 1496—1497 йилларда Навоий «Хазойин ул-маоний»ни асосан тузиб бўлган ва ўзи тасниф этган куллиёт учун кўчиришга буюрган.

Алишер Навоий «Муншаот»идаги бир мактуб ҳамда ана шу «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асаридаги баъзи моментлар ёрдамида эса лирик куллиётнинг тузилган йилини аниқ белгилай оламиз.

Бошқа мактубларда бўлгани каби мазкур мактубда ҳам адресат кўрсатилмаган. Бироқ навоийшунос олима С.Ғаниева тўғри қайд этганидек[15], мактуб аввалидаги рубоийлардан ва охиридаги жумладан уни Ҳусайн Бойқарога ёзилган, дея оламиз. Мактубда Навоий ўзининг кейинги йиллардаги ҳаёти ҳамда руҳий ҳолатини баён этиб ёзади:

«Бу ўтган икки йилдаким, бу банда бошига ҳаводиси рўзгордин юз навъ бало ва ишқи забункуш бедодидин юз турлук ибтило юзланди. Оллимга ҳар шиддат келса, чун айтурға бир ёри ғамгусорим ва илайимга ҳар суубат етса, чун изҳор қилурға бир рафиқи соҳиб асрорим йўқ эрди, ул шиддат ва суубат мазмунин бирор байт ё матлаъ хаёл қилур эрдим бу оз вақтда кўп назм айтилғон эрмиш ва ҳар навъ шеър ва ғазал йиғилғон эрмиш. Буларни зоеъ қилмок бандаға номақдур эрди ва тартибига ҳам ҳукм била маъмур.

Бу сабабдин бурунги икки девон ашъори била сўнгра айтилғонларни била қўшуб, тартиб била тўрт айрилди. Дағи тўрт от қилилди: Туфулиятда воқеъ бўлғон ғариб маъниларга — «Ғаройиб ус-сиғар» ва йигитликда зоҳир бўлғон нодир таркибларга — «Наводир уш-шабоб» ва умрнинг васатида жилва қилғон бадиъвашларга — «Бадое ул-васат» ва умрнинг охирига яқин назмга кирган фойдаларга-«Фавойид ул-кибар» от қўюлди. Дағи мажмуиғаким махлут битилибтурур, чун таъб хазойинидин ҳосил бўлғон маоний эрди—«Хазойин ул-маоний» лақаб берилди, вожиб эрдиким, муборак назарға еткурулғай».

Кўринадики, бу ёзилганлар «Хазойин ул-маъоний»нинг яратилиши тарихи ҳақида «Дебоча»да айтилганларнинг деярли ниҳоятда қисқа шаклдаги такрори бўлиб, унда фақат Ҳусайн Бойқаро тилга олинмайди, холос.

Аммо, мактубнинг «Дебоча»дан фарқли ўлароқ бир жиҳати мавжуд, бу ундаги тилга олинган «ўтган икки йилда» иборасидир. Мактуб мазмунидан англашилаётганидек, Навоий ана шу «икки йилда» кўп ташвишли ва изтиробли ҳодисаларни бошдан кечирган, бундай ғам-андухларни изҳор этай деса, бир яқин ҳамдард кишиси бўлмаган ва шу боис тушкун кайфиятини шеърин мисраларда қоғозда ифодалаш билан таскин топган. Натижада, ана шу икки йил давомида унинг талай шеърлари йиғилиб қолган. Уларни паришон ҳолда ташлаб қўйиш ёки йўқолиб кетишига Навоийнинг хоҳиши бўлмаганидан ташкари, ҳукм йўсини билан унга бу назмлардан девон тартиб бериш («тартибига ҳам ҳукм била маъмур») ҳам буюрилган эди. Ана шу «икки йил»дан сўнг шоир девон тартиб беришга киришган ва «Хазойин ул-маоний»ни тузибоқ, унинг қораламасини — мусавадда нусхасини мавлоно Соҳиб орқали мактуб йўллаётган кишисига, демакки, Ҳусайн Бойқарога юборилганлигини мактуб сўнгида ёзади:

«Ул сабабдин мафхар ус-савоҳиб Мавлоно Соҳибни қуллуққа йиборилди ва ул мусаваддани олий мажлисқа еткурсун, дейилди. Бу густохлиққа афв умидидур ва ул густохликларга ислоҳ умиди, то тўрт таобийъ мухталиф инсон ҳилқатидаким, офаринишнинг хазойини маонисидур—мувофиқ бўлғайлар. Рубъи маскунда ҳукмунгуз равон бўлсун ва рубъи маскун аҳлига адлингиздин амн ва амон».

Демак, мазкур «икки йил» қайси йиллар эканлигини аниқланса, «Хазойин»нинг тузилган йили ҳам маълум бўлади.

Баъзи олимларимиз бу «икки йил» ҳақида аниқ қарорга келган ҳолда мактуб устида ҳукм юритиб келмоқдалар. В.Зоҳидовнинг Навоий «Хазойин ул-маоний»ни Астрободдаги вақтда тузган дейишида, биз сўз юритаётган мактубга таянганлиги, ўша мақоланинг сўнроғида маълум бўлади. Олим «Навоий бир мактубида шуларни ёзади» деб, 41-мактубнинг «Бу ўтган икки йилдаким...» деб бошланувчи қисмини келтиради.

«1487 йилда Навоий Астрободга сургун қилинди. У бу ерда ўз шеърларини йиғиб, тўрт девони — «Хазойин ул-маоний»ни тузишга киришди», — деб ёзган адабиётшунос Ҳоким Ҳомидий ҳам ана шу «икки йил»ни 1487—1488 йилларга нисбат берган.

С.Ғаниева бу «икки йил» қайси йиллар эканини белгилаш анча мушкул эканини қайд этган ҳолда: «Бу икки—898/1492—1493 ва 899/ 1493—1494 йилда Навоий Жомийдек устози ва дўсти Паҳлавон Муҳаммад каби мураббий ва яқин кишисидан айрилган, Дарвеш Али исёни муносабати билан азоб чеккан йилларми ёки 903/1497—1498 ва 904/ 1498—14-99 йиллар ўзининг мамлакат яхлитлиги, осойишталиги юзасидан олиб борган сиёсий ва давлат арбоби сифатидати кўп йиллик фаолиятига зид воқеалар содир бўлганлигидан алам тортган, низо ва фитналар қурбони қилинган Мўъмин Мирзо ва Ҳайдар Сабуҳийлар фожиасидан руҳан эзилган ёки ўз сиҳати ёмонлашганидан дард чеккан йилларими, айтиш анча маҳол», деб ёзади[16].

Бу «икки йил» ҳиж. 903—904, м. 1497—1498 ва 1498—1499 йиллардир, деб айтиш тўғри бўлмайди. Чунки юқорида кўрганимиздек, бу муддатдан бир йил аввал 902 йилда «Хазойин»

Навоийнинг ўзи тасниф этган қуллийети таркибидан жой олган. Бизнингча, Навоий тилга олаётган икки йил—ҳиж. 898—899 м. 1492—93 ва 1493—94 йиллар бўлиши керак. Бунга ишонарли асослар ҳам бор.

Юқорида сўз юритганимиздек, Навоийнинг Жомий маслаҳати итоати учун тўрт девон тузиб, уларни махсус номлар билан атаганлигини «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да баён этиш факти бу асарнинг «Хазойин ул-маоний»ни тузгандан кейин ёзиб тугалланганлигини яққол кўрсатиб турипти. Бироқ, афсуски, «Хамсат»нинг қайси йили ёзилганлиги Навоий томонидан на шу асарнинг ўзида, ё бошқа асарларида ва на бошқа шахс томонидан биронта тарихий манбада қайд этилмаган. Шундай бўлса-да, биз бу асарни қайси йилда ёзилишини белгилаш имконига эгамиз.

Навоий «Насоим ул-муҳаббат» асарида Жомий ҳақида гапириб «аср фузалоси» ва «замон уламосидин» кўплари унга шогирд эканлигини ва буюк устознинг «сийрат ва камолоти шарҳида» кўп кишилар рисола ва китоблар ёзганлигини айтиб, сунг ёзади: «Бу заиф доғи бу бобда «Хамсат ул-мутаҳаййирин» рисоласини битибмен. Анда фил-жумла густоҳлик юзидин алар зикри била қаламимни гавҳар нисор этибмен»<sup>[17]</sup>.

Биз аввал айтганимиздек, «Насоим» 1495 — 1496 йилларда ёзилган. Демак, бунга қадар «Хамсат» ёзиб тугалланган. Энди ана шу асарнинг ўзидаги бир фактга эътибор берайлик. Навоий бир ўринда ёзади: «Маждиддин Муҳаммадқи, олам машҳуридур, таърифга эҳтиёж эмас. Подшоҳ ани ёзғурғонда андин итлоқиға зомин тилагондур (подшоҳ — Ҳусайн Бойқаро уни айблаганда ўзини оқлаш учун кафилликка одам топишни буюрганди). Ул (Маждиддин Муҳаммад) аларға (Жомийга) илтимос қилибдур ва алар таахҳуд қилғондин сўнгра қочти (улар кафиллигини ўз зиммаларига олганларидан сунг у қочти). Оз фурсатда, ўн беш кунга тортмадиким, тутулди. Азим қийинлар тортти ва бору йўқ жиҳотин девоний қилдилар (мусодара қилдилар). Шаҳрдин (Ҳиротдан) бошин олиб, овора бўлди ва ҳамул оворалиқда фаноға борди».

Маълумки, Маждиддин 1494 йил, август ойида Макка йўлида вафот этган<sup>[18]</sup>. Бинобарин, «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асари 1494 йилдан кейин, 1496 йилдан аввал, яъни 1495 йилда ёзилган бўлиб чиқади. Шундай бўлгач, мактубда тилга олинган «икки йил» Жомий вафотидан кейинги йиллар— 898 (1492—1493) ва 899 (1493—1494) йиллар эканлигига ҳеч қанақа шубҳа қолмайди. Зотан, ана шу икки йил Навоий бошига кўп мусибатлар, нохуш ҳодисалар келтирган йиллар бўлди. У Жомийдек ҳамфикр ва ҳаммаслак дўсти ва устозидан жудо бўлди, қирқ йиллик жонажон улфати ва сирдош маҳрами Паҳлавон Муҳаммаддан айрилди (1493 йил), укаси Дарвеш Муҳаммад туфайли ноҳақ маломатларга қолди, бебош шахзодалар билан Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги мурасасизликларни бартараф этиш учун кўп шаҳар ва вилоятларда овора бўлди. Мактубда «Бу ўтган икки йилдаким, бу банда бошига ҳаводиси рузгордн юз навъ бало ва ишқи забункуш бедодидин юз турлук ибтило юзланди», деб ёзганда Навоий, шубҳасиз шуларни назарда тутган эди. Албатта, бунда «ишқи забункуш бедодидин юз турлук ибтило юзланди» (бераҳм ёр ишқи туфайли юз хил балоларга гирифтор бўлдим) деганда, Навоий Ҳусайн Бойқаро билан ниҳоятда яқин дўстлиги ва шу дўстликка чексиз садоқати туфайли кўп заҳматлар чекканлигини тушунмоқ керак. Шундай заҳматлардан бири Султон амри ёки илтимосига кўра унинг узоқ вақт она шаҳри Ҳиротдан йироқларда юриши ва бундай пайтларда ҳижрон азобида қаттиқ ўртанганликларидир. Навоий сўз юритаётган «икки йилда»ги тортган машаққатларидан бири айрилиқ изтироби экани шоирнинг «Соқийнома»сида ёзганларидан ҳам аён бўлади.

«Соқийнома»нинг Паҳлавон Муҳаммадга бағишланган бандида ишқ туфайли неча хил савдоларни бошидан кечирган лирик қаҳрамон ёрга дил розини очишга, яъни унинг висолига етишиш орзусини баён этишга қарор қилганини, бироқ афсуски бундай қилиб бошига бало орттирганини ёзади ва бундай зорликларни ўтган икки йилда бошдан кечирганлигини таъкидлайди:

Ўтди бу зорлигим икки йил,  
Ҳар замон икки йил чоғлиғ бил!

«Соқийнома»да шоир Паҳлавон Муҳаммаднинг ўлимидин қайғуриб ёзишини ҳисобга олсак, у тилга олаётган «икки йилда» бошдан кечирган ҳодисалари орасида 1493—1494 йилларда Султон Ҳусайн истаги ёки фармонида кўра Балх каби чекка вилоят ва шаҳарларда саргардон кезганликларини ҳам назарда тутган, албатта. «Соқийнома»нинг шахзода Ҳайдар Мирзога бағишланган бандида Навоий ёзади:

Боқибон қуббатул ислом сари,  
Ичу сўн ушбу ғам ошом сари.

Албатта, бунда «ушбу ғам ошом» деб Навоий ўзини назарда тутмоқда. Демак, юқорида кўрганимиз — ёр ва диёр иштиёқида ғамлар ютишни, маънавий тушқинлик ва жисмонан

мажруҳликни ана шу «қуббатул ислом»да, яъни Балхда бошидан кечирган. «Хазойин ул-маъоний»ни ҳам Астрободда эмас, балки шу шуҳарда тузган.

Унинг нима сабабдан бу шаҳарда ихтиёрсиз ҳолда турганлиги тарихчи олим А.Ўринбоев томонидан аниқланиб эълон қилинган бир ҳужжат – нишондан маълум бўладики, бунинг ўзи алоҳида ёритилган мавзудир. Биз фақат мазкур нишон ҳиж. 898 йил рамазон ойининг йигирма тўртинчиси, мил. 1493 йил 9 июлда ёзганлигини қайд этиш билан кифояланамиз.

Демак, ана шу «икки йилда», яъни Навоий сўзи билан айтганда «бу оз вақтда» ўзининг ўша йиллардаги аҳвол руҳияси ва ҳаётий ҳодисаларининг баёни сифатида юзага келган шеърлари анчайин катта сонни ташкил қилган. Бу шеърларни «тартибиға ҳукм била маъмур» бўлган Навоий аввалги икки девонидаги шеърларни ҳам кейинги ёзилганларга қўшиб тўрт девон тузган. Бу ишни ҳижрий 900, мелодий 1494—1495 йилларда, «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарининг ёзиб тугалланишидан сал олдин, ҳатто, айтиш мумкинки, олдинма-кейин амалга оширган. Зеро, Жомийдек «пири комил» Навоийни ҳар бири алоҳида номлар билан аталувчи девонлар тузишга ундаган экан, устозининг бу амрини у вожиб дебгина колмасдан, балки шараф ҳам деб билган. Шунга кўра, улкан дўсти хотирасига бағишлаб ёзажак асарида ана шу амрни ижросини фахр билан баён этишни мақсадга мувофиқ топган. Зотан, устознинг ана шу даъватига амалий жавоб бериш унинг хотирасини ўрнига қўйиш ҳам эди. Шунинг учун ҳажм жиҳатидан унчалик катта бўлмаган, асосан хотиралардан иборат «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарининг интиҳосини Навоий «Хазойин ул-маоний»нинг тузилишидан кейинга белгилаган. Шу тариқа Навоий ҳижрий 900, мелодий 1494—1495 йилларда «Хазойин ул-маоний»ни асосан тузиб бўлган ва у билан деярли бир вақтнинг ўзида «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарини ёзиб тугатган, уларнинг ҳар иккиси бир йил кейин шоирнинг узи тасниф этишга киришган ва котиб Дарвеш Муҳаммад Тоқий кўчира бошлаган шоир куллиёти таркибидан жой олган.

Юсуф ТУРСУНОВ

[1] С. А. Волин, Описание рукописей произведений Навои в Ленинградских собраниях, Сборник «Алишер Навои», М.—Л., Изд-во АН СССР, 1946, стр. 216; Ҳамид Сулаймон, «Хазойин ул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари, «Фаройиб ус-сиғар» 10-бет; Э. Фозилов, Қадимги обидалар ва Алишер Навоий тили, «Фан» нашриёти, 1969, 7—8-бетлар; А. Ҳайитметов, «Хазойин ул-маоний» нашри тўғрисида, Навоий даҳоси. Т., Фафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1970, 158-бет; Ўзбек адабиёти тарихи, II том, Т., «Фан» нашриётн. 1977, 85-бет.

[2] «Адабий мерос», № 3, Т., «Фан», 1973, 76 -78-бетлар.

[3] Воҳид Зоҳидов, Танланган асарлар, Иккинчи том, Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1977, 203—204-бетлар.

[4] Ҳоким Ҳомидий, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди саналарн, «Шарқ юлдузи», ж., 1968, 8-сон. 236-бет.

[5] Олим Шарафуддинов, Танланган асарлар, Т., «Фан» нашриёти, 1978, 92-бет.

[6] «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси», XIII—XV асрлар, Олий педагогика юртлари учун, Т., 1941, 138-бет.

[7] Ўзбек адабиёти тарихи, 377 ва 383-бетлар.

[8] Ўзбек Совет Энциклопедиям, 1-том, 250-бет.

[9] Ўзбек Совет Энциклопедияси, 12-том, 224-бет.

[10] А. Ҳайитметов, М. Мирзааҳмедова. Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли, Ўзбек адабиёти тарихи, иккинчи том, 76-бет.

[11] С. Л. Волин, Зикр этилган мақола, 216-бет.

[12] Е. Э. Бертельс, Навои, Изд-во АН СССР М.—Л., 1948. стр.110. Шу китоб охирида автор Навоий асарлари руйхатини берар экан лирик асарлари бўлимида «Чор девон» деган умумий ном остида тўртта девон номини («Фаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадойи ул-васат» ва «Фавоид ул-кибар») келтирган ва навбатдаги мустақил асар сифатида «Хазойин ул-маоний»ни келтирган.

[13] Agah Sirri Levand. Alisher Nevai. 1-chilt. Hayati, sanati va kishiligi. Ankara, 1965. X – бет.

[14] «Адабий мерос», 3-сон, 90-бет.

[15] Ўзбек адабиёт тарихи, иккинчи том, Т., «Фан». 1977. 416-бет.

[16] Ўзбек адабиёти, иккинчи том, 417-бет.

[17] Алишер Навоий, Асарлар, 15-том, 185-бет.

[18] Е. Э. Бертельс. Навои, М.— Л., Изд-во АН СССР. 1948, стр. 224